“ ТАСДИҚЛАЙМАН ”

“Тошкент ИЭС ” АЖ

Р.Т. Шамсиев

“03” __01__ 2025 йил

**“Тошкент ИЭС” АЖда 2025-2026 йиллар давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар**

**“ЙЎЛ ХАРИТАСИ” (ДАСТУРИ)**

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **1.** | “Тошкент иссиқлик электр станцияси” АЖ Бошқарувининг 2021 йил 10 июнь кунидаги 01-68 сонли баёни билан тасдиқланган “Тошкент ИЭС” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом”га мувофиқ, “Тошкент ИЭС” АЖда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни яратиш, мазкур йўналишда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш. | 1.Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотларни жамият ходимлари томонидан декларациялаш.<br>2. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш, қайта текшириш, уларни яшириш ҳолатлари аниқланганда бартараф этиш бўйича чора-тадбирларини кўриш.<br>3. Манфаатлар тўқнашуви юзага келганида, унинг мавжудлиги тўғрисида маълумотларни “Тошкент ИЭС” АЖ тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом” талабларига мувофиқ кўриб чиқиш ва тегишли чораларни қўллаш тўғрисида комплаенс хизматига таклифлар бериш.<br>4. Аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолати ва уни бартараф этилганлиги тўғрисидаги ҳамда коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги маълумотларни Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва | 2025-2026 йил февраль<br><br>Ҳар бир ҳолат бўйича, Доимий<br><br>Доимий равишда<br><br>Доимий равишда ҳар чоракда *(81-сон ПҚ қарорда кўрсатилган муддатларда)* | Комплаенс хизмати |

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | ижтимой тармоқлардаги расмий саҳифаларида ёритиб бориш. | | |
| 2. | “Тошкент иссиқлик электр станцияси” АЖ Бош директорнинг 2024 йил 29 январ № 20 сонли буйруғи билан тасдиқланган “Тошкент ИЭС” АЖда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Услубиёти” талабларига мувофиқ коррупцияга қарши курашиш соҳасида таъсирчан механизмларни яратиш мақсадида, коррупциоген хавф-хатарлар харитасини тузиш орқали “ташхис қўйиш” ва уни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. | 1. Жамиятдаги режали ўзгаришларни инобатга олган ҳолда коррупцияга қарши курашиш сохаси талаблари, амалдаги қонунчилик ва корхона ички меъёрий хужжатлар нормалари доирасида ҳар бир цех ва бўлим ходимларининг фаолиятини таҳлил қилиб бориш. | Доимий | Комплаенс хизмати |
| | | 2. Таҳлил натижаси асосида, “Тошкент ИЭС” АЖда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Услубиёти” 1-иловаси талабларига мувофиқ корхонанинг коррупциоген хавф-хатарлар харитасини тузиш. | 2025 йил апрел | |
| | | 3. Коррупцион хавф-хатарлар “Юқори” бўлган лавозим ва ходимлар билан алоҳида режа асосида ишни ташкил этиш орқали коррпуциоген хавф-хатарларни пасайтиришга йўнатирилган тадбирлар олиб бориш. | доимий | |
| 3. | “Иссиқлик электр станциялари” АЖ Кузатув кенгашининг 2021 йил 20 майдаги 3-2021-сонли баёни билан тасдиқланган “Тошкент ИЭС” АЖнинг коррупцияга қарши курашиш стратегияси”, хамда ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларни доирасида коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларнинг доимий фаоллигини таъминлаш мақсадида тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб боришни таъминлаш. | 1. “Тошкент ИЭС”АЖ коррупциоген хавф-хатарлар харитасида “Юқори” коррупциявий хавф-хатар даражаси мавжуд лавозим ва йўналишларда алоҳида чора-тадбирлар режасини шакллантириш, коррупцияга қарши курашишга оид ички меъёрий ҳужжатлар билан мувофиқлаштириш, хамда такомиллаштириш. | 2025 йил июнь | Комплаенс хизмати, “Юқори” хавф-хатари мавжуд бўлим раҳбарлари |
| | | 2. Коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид барча ички меъёрий ҳужжатлар билан корхона ходимларини таништириш мақсадида электрон тўпламини ва тарқатма материалларни ишлаб чиқиш ва ходимларга тарқатиш. | 2025 йил 2-ярим йилликда | Комплаенс хизмати |

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | 3. Зарур ҳолларда ва қонунчиликда ўзгаришлар кузатилганда мавжуд ички меъёрий ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиб бориш. | Доимий равишда | |
| **4.** | Ўзбекистон Республикаси № 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ, “Тошкент ИЭС” эҳтиёжлари учун амалга ошириладиган давлат харидлари жараёнида корхона маблағларини сарфланишининг шаффоф ва самарали тизимини жорий этиш бўйича тадбирларни амалга ошириш. | 1. Давлат харидларини амалга ошириш жараёнида “инсон омили”ни чеклаш ва коррупцияни олдини олиш мақсадида № 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун ижроси, хамда харидлар амалга оширилиши жараёнини назорат қилиш. | Доимий равишда | Комплаенс хизмати |
| | | 2. “Тошкент иссиқлик электр станциялари” АЖ Бош директорининг 2024 йил 29 январ № 20 сонли буйруғи билан тасдиқланган “ Тошкент ИЭС” АЖ Давлат органлари ва ташкилотлари, унинг худудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома” талабларига мувофиқ Контрагентнинг ишонч-лилигини, шу жумладан ўтмишда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этмаганлиги, корхона ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви хамда аффиланганлик холатлари мавжуд эмаслигини ўрганиш, ўрганиш натижалари юзасидан тегишли хулосалар шакллантириш. | Харидлар жараёнида | Комплаенс хизмати |
| | | 3. Ҳар чоракда корхона томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги маълумотларни, Жамиятнинг расмий веб-сайтидага жойлаштириш, ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш мақсадида, комплаенс хизматига тақдим қилиш. | Ҳар чоракда *81-сон ПҚ қарорда кўрсатилган муддатларда*) | Комплаенс хизмати |

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **5.** | “Тошкент ИЭС” АЖда ходимларни танлаш, ишга қабул қилиш, ротация жараёнларини шаффоф ва очиқ бўлишини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш. | 1. Бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларни доимий равишда Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик Вазирлиги Ягона миллий меҳнат тизимига (ЯММТ), ҳамда Жамият расмий каналларида эълон бериб борилишини назорат қилиш.<br>2. Ходимларни танлаш ва ишга қабул қилиш (шу жумладан фуқаровий-шартнома асосида) жараёнини ички меъёрий ва қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилишини, АЖ Бош директориининг 2020 йилги КН205-424:2020 сонли Низом талабларига мувофиқ текширув ишларини олиб борилишини мониторинг қилиб бориш. | Доимий равишда | Ходимлар билан ишлаш бўлими, Комплаенс хизмати |
| | | 3. Назорат-таҳлил тадбирлари давомида аниқланган камчиликлар кейинги даврларда такрорланмаслиги учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш. | Доимий равишда | |
| **6.** | “Тошкент иссиқлик электр станцияси” АЖ Бош директорининг 2024 йил 29 январ куниги № 20 буйруғи билан тасдиқланган “Тошкент ИЭС” АЖда коррупцияга оид хуқуқбузарлик ҳақида ҳабар берган ёки бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низом” талабларига мувофиқ, “Тошкент ИЭС” АЖда коррупцияга оид хуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиб-таомилларини шакллантириш. | 1. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласи тартиб-таомилларини шакллантириш ва яратилган механизм самрадорлигини таъминлаш. | Ҳар бир ҳолат бўйича, доимий | Махсус комиссия Комплаенс хизмати |
| | | 2. “Тошкент ИЭС” АЖга алоқа каналлари орқали жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатларни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши назоратини таъминлаш ва уларда аниқланган коррупцион ҳолатларни олдини олиш бўйича раҳбариятга таклифлар киритиш. | Доимий равишда | Комплаенс хизмати |
| | | 3. “Тошкент иссиқлик электр станциялари” АЖ Бош директорининг 2024 йил 29 январ куниги № 20 буйруғи билан тасдиқланган “Тошкент ИЭС” АЖ Бошқармаси ва станция ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш холатлари устидан Хизмат | хизмат текширувлари давомида | |

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | текширувлари ўтказиш Регламенти”га асосан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабарларни холисона ўрганиш, хизмат текшируви ишларини амалга ошириш, суриштирув натижаларини Жамият Бошқарувига салбий оқибатга олиб келган холатлар юзасидан таклифлар киритиш, хизмат текширувлари юзасидан маълумотлар баъзасини шакллантириш. | | |
| | | 4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2024 йилдаги ПҚ-81-сонли қарори талбалари, хамда ISO 37001:2016 халқаро стандарти 7.4-бандига мувофиқ ҳар чоракда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботни Жамиятнинг ижтимоий тармоқларида жойлаштириш. | ҳар чорак якунида | Комплаенс хизмати |
| **7.** | Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш. | 1. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ходимлар хуқуқий маданиятини ошириш ва хулқ-атворини шакллантириш мақсадида, Комплаенс хизмати хамкорлигида ҳуқуқ-тартибот органлари ходим-лари иштирокида ўқув-семинар ва тушунтириш-профилактик тадбирларини ташкил қилиш ва самарали ўтказиш. | Доимий, режага мувофиқ | Комплаенс хизмати, ҳуқуқ-тартибот органлари масъул ходимлари |
| | | 2. “Тошкент ИЭС” АЖ да “Коррупцияга қарши курашиш хафтаси” доирасида ҳуқуқ-тарғибот органлари ходимлари, хамда очиқ жамоатчилик иштирокида “9 декабрь – Бутунжаҳон коррупцияга қарши курашиш куни”га бағишланган “Очиқ эшиклар” форматидаги тадбир ўтказиш. | 2025 йил декабрь | Комплаенс хизмати |
| | | 3. “Тошкент ИЭС” АЖ да коррупция ҳолатлари аниқланганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан хамкорлик даражасини ошириш, хабардор | доимий равишда | Комплаенс бўлими |

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | этилишини ва бу ҳолатга ҳуқуқий баҳо берилишини таъминлаш. | | |
| **8.** | “Тошкент ИЭС” АЖда ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш орқали коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш. | 1. Корхонага келган амалиётчи (стажер), янги ишга кирган ходимларга коррупция тушунчаси, унинг шакллари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ички сиёсатлар талабларини тушунтириш. | Доимий равишда | Комплаенс хизмати |
| | | 2. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида ходимлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, алохида ишлаб чиқарилган режага мувофиқ семинарлар, тренинглар ва давра суҳбатлари ўтказиш. | Доимий равишда | Матбуот хизмати |
| | | 3. Корхона ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, уларни ҳуқуқий онгини баҳолаш мақсадида коррупция элментлари ва келиб чиқиш омилларини қамраб олган саволлар асосида тест синовларини ўтказиш. | 2025 йил ноябрь | |
| **9.** | “Тошкент ИЭС” АЖда коррупцияга қарши курашиш соҳасида самарадорликни ошириш мақсадида, коррупция омиллари юқори бўлган йўналишларда мониторинг ўтказиш. | 1. Соҳага оид ички меъёрий ҳужжатларни хизмат фаолиятида тадбиқ этиш бўйича ҳамда коррупция омиллари юқори бўлган йўналишларда мониторинг ўтказиш . | Режага мувофиқ | Комплаенс хизмати |
| | | 2. Корхона фаолиятида коррупцияга қарши ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларни жорий этиш бўйича амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасида чора-тадбирлар дастурини таҳлил қилиш. | Мониторинг давомида | |
| | | 3. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ва амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг ижросини, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан тақдим қилинган сохага оид | Доимий | |

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | қўлланмалар, брошюралар, информацион буклетлар, слайдлар ва бошқа маълумотлар манбаларидан самарали фойдаланиш даражасини мониторинг қилиш. | | Комплаенс хизмати |
| **10.** | Коррупцияга қарши курашиш соҳасида “Тошкент ИЭС” АЖдаги коррупцион ҳолатлар ва натижадорлик бўйича ҳисоботларни тақдим этиш. | 1. “Тошкент ИЭС” АЖда коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ қоидаларининг коррупцияга оид қисмининг бузилганлиги ҳолатлари юзасидан Жамият Комплаенс хизматига доимий равишда ахборот киритиб бориш. | доимий равишда | Комплаенс хизмати |
| | | 2. “Тошкент ИЭС” АЖда коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилган ишлар ва чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботни Кузатув кенгаши ва Коррупцияга қарши курашиш агентлигига тақдим этиб бориш. | Режага мувофиқ | Комплаенс хизмати |
| **11.** | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2024 йилдаги ПҚ-81-сонли Қарори ижроси юзасидан “Тошкент иссиқлик электр станциялари” АЖ цех ва бўлимларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш йўналишлари ва индикатор кўрсаткичларига асосланган холда тизимли тахлил ва мониторинг тадбирларини олиб бориш. | **1-йўналиш**: “Тошкент ИЭС” АЖда коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги ва амалиётга татбиқ этилганлиги юзасидан доимий мониторинг олиб бориш:<br>- ички меъёрий хужжатларга киритилган ўзгартиришлар асосида янгилаб бориш;<br>- мавжуд алоқа каналлари самарадорлигини тахлил қилиб бориш;<br>- кадрларга оид масалаларда коррупцияга қарши курашиш холати мониторинги;<br>- ходимлар ўртасида, ишга қабул қилинаётганда, контрагентларни текширишда манфаатлар тўқнашуви холатларини ўрганиб бориш, ходимларга нисбатан декарация тўлдирилишини таъминлаш;<br>- коррупцияга қарши курашиш сохасида фаолиятни режалаштириш ва хисобдорликни таъминлаш, натижалар юзасидан хисоботлар | хар чоракда *(81-сон ПҚ қарорда кўрсатилган муддатларда* | Комплаенс хизмати |

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | шакллантириш, хамда жамоатчилик олдида маълумотларни веб-сайтларга юклаган холда очиқликни таъминлаш.<br>**2-йўналиш**: Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлигини таҳлил қилиб бориш, “Тошкент иссиқлик электр станциялари” АЖ Бош директорнинг 2024 йил 29 январ кунги № 20 буйруғи билан тасдиқланган “Тошкент ИЭС” АЖда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш Услубиёти” талаблари ижроси мониторингини олиб бориш.<br>**3-йўналиш**: Жамият раҳбариятининг коррупцияга қарши муросасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-харакатларнинг мавжудлиги, яъни сохада тегишли норматив хужжатлар қабул қилинганлиги, штатлар шакллантирилганли, таъминоти бажарилганлиги хамда йўналишда шаффофликни таъминлашда жамоатчилик олдида хисобдорлик даражасини мониторинг қилиб бориш, қилинган ишлар натижаларини доимий очиқлаб бориш.<br>**4-йўналиш**: Коррупцияга қарши курашишда ходимларнинг билим ва кўникмаларини, ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга йўналтирилган барча тадбирлар самарадорлигини доими мониторинг ва таҳлил қилиб бориш, натижаларини турли ахборот манбаларида ойдинлаштириб бориш.<br>**5-йўналиш**: Коррупцияга қарши курашиш бўйича корхона фаолияти кесимида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларининг самарадорлигини ўрганиб бориш. | | |

| Т/р | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш механизмлари | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **12.** | Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ISO 37001:2016 умумжахон стандартига асосан коррупцияга қарши менежмент тизимини жорий этиш, ушбу йўналишда халқаро ҳамкорликни таъминлаш. | 1. “Cert International” тренинг компанияси билан ҳамкорликни давом эттириш, Жамият ички назорат тизими ходимлари иштирокида тренинглар ўтказиш, ISO 37001:2016 ҳалқаро стандарти талаблари асосида сертификатлар олиш. | шартнома асосида | Комплаенс хизмати |
| | | 3. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда коррупцияга қарши курашишда хорижий мамлакатлар тажрибасининг илғор услубларини ўрганиш. | Алоҳида режа асосида | Комплаенс хизмати |
| | | 4. Энергетика вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги ўртасида соҳага оид ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш, Республика миқёсида коррупцияга қарши курашиш сохасида ишлаб чиқиладиган норматив ҳужжатлар лойихалари мухокамасида иштирок этиш. | Доимий | |

**Комплаенс хизмати**
**Етакчи мутахассиси** **И.М. Нурмаматов.**